

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 389.6

АБДУСАМИНОВ ОТАБЕКХАБИБУЛЛАЕВИЧ

Маҳсулот Сифатини Бошқариш Орқали Озиқ-Овқат Хавфсизлиги Тизиминитакомиллаштириш

5А310902-“ Метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш ”
Магистр
академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
т.ф.н., доцент
Ш.Рахмонов

ТОШКЕНТ 2014

Мундарижа

Кириш3

I боб МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

1.1.Маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар бўйича таҳлили

1.2.Маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг назарий ва ҳуқуқий асослари

1.3.Маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг замонавий муаммоларива халқаро тажриба

Биринчи бобга хулоса

II боб. РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ
ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ

2.1. Маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш бўйича халқаро тажриба

2.2. Маҳсулотларни сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш

Иккинчи бобга хулоса

III. БОБ. «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ

3.1. «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси бошқарувининг ҳозирги ҳолати ва халқаро стандартлар асосида
маҳсулот ишлаб чиқариш таҳлили

3.2. «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси бошқарувида инновацион технологияларни жорий этиш орқали озиқ-
овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш

3.3. «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниясида инновацион технологияларини жорий этиш орқали озиқ-овқат
хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш йўллари

3.4. Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш йўллари

Учинчи бобга хулоса

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2014 йил 5-6 июн кунлари ўтказилган “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

2008 йилда бошланган инқироз билан боғлиқ воқеалар барчамизнинг эсимизда, ўшанда жаҳон миқёсида нарх-наво кўтарилиб, озиқ-овқат таъминотининг узилишлар юзага келгани Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида норозилик ва оммавий тартибсизликларга сабаб бўлган, бутун дунёда барқарорликка нисбатан жиддий хавф-хатарга айланган эди.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Содда қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортада қолмоқда.”

Республикада амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқариш соҳаларида янги йўналишларни белгилаб берди. Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”, “Стандартлаштириш тўғрисида”, “Метрология тўғрисида”, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва сифати тўғрисида”, “Хўжалик субъектлари фаолиятининг давлат назорати тўғрисида”ги қонунлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий эталон базасини шакллантириш ва метрологик таъминотни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди.

Республикада корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро бозорга чиқишга эришиш учун ISO 9000 серияли халқаро стандартлар асосида сифат менежменти тизимини жорий этишга ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштиришга қизиқувчиларнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Сифат менежменти тизимини жорий қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш, корхоналарнинг тендерларда қатнашиш, менежмент тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш имкониятларини беради.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ва ишлаб чиқарувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш биринчи навбатда қишлоқ, сув ва ўрмон хўжаликларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимида халқаро стандартларни қўлланилишини амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам республикада саноати корхоналарида маҳсулотларнинг халқаро ва миллий стандартлар асосида сифат кўрсаткичларини аниқлаш, маҳсулот сифатини бошқариш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Кўп йиллик тажрибалар натижалари шунини кўрсатадики, ҳозирги вақтда корхона менежменти тизимининг таркибий элементларидан бири сифатида менежмент тизимига турли хил стандартларни жорий этиш истиқболлари кузатилмоқда. Бу тизим ўзида ташкилий тузилмани, режалаштириш бўйича фаолиятни, жавобгарликларни тақсимлаш, амалиёт, процедуралар, жараёнлар ва ресурсларни қамраб олади. Агросаноат мажмуининг турли корхоналарда, жумладан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатувчи ҳамда маҳсулотларни қайта ишловчи ва сотувчи тармоқ корхоналарида сифат менежментини ташкиллаштириш бўйича комплекс масалаларни илмий ва амалий жиҳатдан ҳал этиш етарли даражада мураккабликка эгадир, Шунинг учун ушбу соҳага алоқадор билим ва тушунчалар сифат бўйича менежерларнинг лаёқатлилигини таъминлайди.

Аҳолини юқори сифатли ва ранг-баранг халқ истеъмоли товарларини ўсиб бораётган талабларини тўлароқ қондириш республика раҳбариятининг доимий назар-эътиборида бўлмоқда. Шу сабабли маҳсулот сифатини бошқариш, назорат қилиш, шакллантириш ва сифатига таъсир қилувчи омиллар ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминоти тўғрисида янгидан-янги тадбирлар ишлаб чиқарилаёпти.

Сўнгги йилларда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари ва қонунларни истеъмол товарларининг сифатини яхшилашга ва истеъмолчиларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги ҳам шунини кўрсатадики, бозорларимизда сифатсиз маҳсулотлар билан савдо қилувчи сотувчилар ҳам йўқ эмас. Айниқса, иқтисодий эркинлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни кўпайиши, стандарт талабларига тўла жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги Ўзстандарт Агентлигини ҳисоботларида келтирилган маълумотларда ҳам яққол кўриниб турибди. Жумладан, 1771 корхона текширилганда уларнинг маҳсулотларининг 68,1%ида стандарт талаблари бузилганлиги, 2303 корхонада метрология назорати ўтказилганда 54,8% ҳолатда метрологик қоидалари бузилганлиги, шу давр ичида 1628 турдаги халқ истеъмоли молларидан 58%и сифат бўйича меъёрий ҳужжатлари талабга жавоб бермаслиги аниқланган. 2013 йил қатор корхоналарда сақлаш, ташиш ва сотишда стандарт талаблари қўпол равишда бузилган ва умумий ҳисобда 84% ни ташкил этган.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда маҳсулот сифатини баҳолаш, сифатсиз товарлар ишлаб чиқарувчиларни ва сотувчиларни аниқлаш жамиятимизнинг олдидаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпайиб бораётган бўлса ҳам, лекин уларнинг ассортименти ва сифати ҳам аҳоли эҳтиёжларини тўла қондира олмаяпти. Бунинг асосий сабабларидан бири, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси аҳоли сонининг ўсиш даражасидан бир мунча пастлиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминотини ҳар доим ҳам барқарор эмаслигидир.

Агар шу камчиликлар бартараф этилса, истеъмол ресурсларини 20%гача маҳсулотларнинг айрим турлари бўйича 30%гача ортиши мумкин экан. Бунинг устига нобудгарчиликни бартараф этиш харажатлари худди шу ҳажмдаги маҳсулотни қўшимча ишлаб чиқаришга сарфланадиган харажатга қараганда 2-3 баробар кам бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда маҳсулот сифатини яхшилаш, ассортиментини кенгайтиришга ва янгилашга ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштиришга катта эътибор берилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сифат менежменти тизимига талабларни ўрнатувчи O'z DSt TSO 22000:2010 "Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими. Озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш занжирида қатнашувчи ташкилотларга талаблар" стандарти қабул қилинган ва амалга жорий этилган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда НАССР тизими озиқ-овқат маҳсулотларини унинг ҳаётий циклининг барча босқичларида энг яхши сифат ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро миқёсда умум тан олинган тизимдир.

Ўзбекистон Республикасида "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасида миллий қонунчиликни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди. Озиқ-овқат соҳасида актларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиниши мавжуд техник регламентларнинг мақомини ва Ўзбекистон умумевропа интеграциялашуви жараёнида иштирок этиши, қонунчилик меъёрларини уйғунлаштириш ва яқинлаштиришга муҳим хизмат қилди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Сифатни шакллантирувчи омиллар икки гуруҳга бўлинади: бевосита сифатга таъсир этувчи омиллар ва сифатни мукаммаллаштирувчи омиллар. Биринчи гуруҳга, лойиҳалаштириш, хом-ашё сифати, технология ва ишчини малакаси киради. Иккинчи омил – бу иқтисодий тарафи бўлиб, бунга нарх-наво, ишчини моддий мукофотдорлиги ва сифатсиз маҳсулотга қарши қўйиладиган турли санкциялар деб тушунамиз. Жаҳон бозорларига намойиш эта билиш учун халқаро стандартларга уйғунлашган Ўзбекистон стандартларини яратиш, ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ этиш борасидаги муайян муаммолар мавжудки, уларни ҳал этмай, экспорт салоҳиятимизни ошириш мушкул. Маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини халқаро стандартлар талаблари даражасига етказиш орқали маҳсулот сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Илмий тадқиқотнинг мақсади халқаро стандартлар талаблари мужассамлашган НАССР тизими асосида озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлиги кўрсаткичларини яхшилашга оид тадқиқотлар олиб бориш ва уларни амалда қўлланилишини таҳлил қилишдан иборат.

Илмий янгилиги: Бу диссертациянинг илмий янгилиги мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини халқаро ва унга уйғунлашган миллий стандартлар асосида ишлаб чиқариш учун, унинг сифат кўрсаткичларини энг замонавий, оптимал, тезкор усуллар билан аниқлаш, маҳсулот сифатини бошқариш орқали озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш, шу йўл билан маҳсулотнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Амалга ошириладиган ишлар тегишли халқаро ва миллий стандартларга доир меъёрий ҳужжатлар, услубий қўлланма ва адабиётлар асосида олиб борилади. Иш якунида саноат маҳсулотлари юқорида келтирилган сифат кўрсаткичларини аниқлаш усуллари асосида махсус лабораторияларда маҳсулотларнинг сифати анализ қилинади, таққосланади ва ҳулоса чиқарилади.

Тадқиқот предмети ва объекти: Саноат корхоналарида маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини халқаро ва миллий стандартлари талаблари асосида аниқлаш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини кўтаришдан иборатдир. Сифатни ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимларини мукаммаллаштириш, ундаги стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг аҳамияти билан боғлиқ назарий, услубий ва амалий масалалар мажмуи мамлакатимиз иқтисодий секторида тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотлар амалдаги халқаро ҳамда миллий стандартларга тегишли ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Президентимиз фармонлари, Республикамиз ва чет эл иқтисодий адабиётлари, истиқболли ва статистик маълумотлар негизида ўрганилади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш сифатнинг услубий асосларини ташкил қилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тизими ва сифати соҳасидаги миллий стандартлаштириш бўйича фаолияти халқаро стандартлаштириш билан уйғунлаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқотни олиб бориш учун Республика стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ("Ўзстандарт" агентлиги) субъект сифатида олинган. Илмий тадқиқотларни олиб боришда "Ўзстандарт" агентлиги ва "Ўзвинсаноат-холдинг" компанияси маълумотларидан фойдаланилди. Илмий тажрибалар ва кузатишлар "Ўзвинсаноат-холдинг" компанияси маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналарда, Тошкент Давлат аграр университети "Маркетинг, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш" кафедрасида ҳамда "Ўзстандарт" агентлигида олиб борилади. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими, ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими ва сертификатлаштириш миллий тизимларини яратишда ва жорий этишда унинг ягона сиёсатини амалга ошириш, асосий қонун-қодаларни ва тушунчаларини бир хил ифода этиш, бир хил тушуниш ва бир хилда қўллаш учун ҳар бир тизимнинг атамаларини ишлаб чиқишдан бошланиши лозим.

I БОБ. МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ

1.1. Маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар бўйича таҳлили

Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг 2013йилнинг асосий якунлари ва 2014йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Ватанимиз, халқимизнинг ана шу тарихан қисқа бир даврда эришган улкан ютуқ ва марралари ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб берилди.

Биз бугун 2013-йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013-йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўри келмоқда.

Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг қўлламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1-марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2-марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.[10].

Метрологик таъминот, сертификатлашнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилган. Республикаимизда бу борада олиб борилаётган ишлар ва жаҳоннинг турли мамлакатларида стандартлаштириш соҳасида олиб борилаётган ишлар ва бу ишларни бизда жорий этиш йўллари кўрсатилган[44].

Метрология, стандартлаштириш, сифатни бошқариш тизимлари эталонлар ишлаб чиқиш ва ўлчаш воситаларини бирликлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Келтирилган маълумотларнинг кўпчилиги ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди[31].

Халқаро миқёсдаги маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимлари ва ишлаб чиқилган стандартлар ва улар асосида маҳсулотларга халқаро сертификатлар бериш ҳақида фикрлар билдирилган [63].

Метрология, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш ишларини олиб бориш ва бу жараёнларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги, халқ хўжалигидаги аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Бу маълумотлар асосан Россия давлат стандарти қонун қоидаларига мос бўлсада, лекин бу жараёнларни биз учун керакли бўлганларини ўзимизда тадбиқ этишимиз керак[60].

Қишлоқ хўжалиги экинларини уруғларини стандартлари ва уларни текширишда ишлатиладиган метрологик жиҳозлар, ўлчов бирликлари ва стандартлаштириш тизимлари ҳақида маълумотлар берилган[66].

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш усуллари, стандартлар ишлаб чиқиш, маҳсулот ишлаб чиқаришда стандартлаштириш асосларининг ўрни ва ҳозирги кундаги муаммолари хусусида фикрлар билдирилган[45].

Маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрологик хизматлар, ҳамда ўлчашлар бирликлари хусусида маълумотлар келтирилган. Халқаро стандартлаштириш ташкилотлари ва уларнинг фаолияти ҳақида фикрлар билдирилган. Техникада ишлатиладиган бирликлар ва уларнинг таърифлари, турлари, уларни назорат қилиш, ўлчаш воситалари билан ишлатилганда бирликларни қўлланилиши кўрсатиб ўтилган[44].

Метрология фани ва уни турли соҳаларда қўлланилишнинг аҳамияти, ўлчов воситалари ва бирликлари халқаро миқёсидаги метрология ташкилотлари ва уларнинг иш фаолияти хусусида фикрлар билдирилган бўлиб асосан Россия давлат стандарти талабларига асосланган ҳолда ишлаб чиқарилган ишлар ёритилган[69].

Товар сифатини бошқаришнинг ташкилий-социал, техник-иқтисодий ва бошқа методлари мавжуд бўлиб, бу методлардан фойдаланишда юқори техника иқтисодий кўрсаткичига эришиш учун масалага комплекс ёндошиш зарур.

Товар сифатини шаклланиши эскиз, техника ва ишчи кучи лойиҳалари, ишлаб чиқаришнинг бевосита таҳлил этиш процессларига, маҳсулотлардан фойдаланиш ёки уни эксплуатация қилиш жараёнини амалга оширишга боғлиқ[67].

«Стандартлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш, Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича қоидалар, тузилиши ва бошқалар кўрсатиб ўтилган[2].

«Метрология тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга тадбиқ этилиши республикаимиздаги мавжуд метрологик хизматини янги ривожланиши босқичларига кўтарилишига сабаб бўлди. Метрология соҳасида олиб борилиши керак бўлган ишлар хусусида ва қай тартибда амалга ошириш кераклиги йўллари кўрсатилган. Бу қонун республикаимизда метрологиянинг ривожланишига ва метрологик таъминот масалаларини ҳал этишнинг мутлақо янги босқичига олиб киради[3].

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш уларга шарт-шароитлар ва хавфсиз маҳсулотлар етказиб бериш тартиблари кўрсатиб ўтилган. «Ўзбекистон Республикаси миллий эталон базасини шакллантириш ва метрологик таъминотини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор, миллий эталонлар базасини яратиш, эталонлар ишлаб чиқиш ва метрологик таъминотларни яхшилаш учун қўлайликлар яратиш тартиблари ва бу ишларни амалга оширувчи ташкилот фаолияти кўрсатиб ўтилган[4].

Ўзбекистонда экспорт қилинадиган дон, озиқ-овқат маҳсулотлари ғалла, туз, ўсимлик ёғи, сарёғ учун дастлабки стандартлар 1926 йилда белгиланганди. 1927 йилда пахта, 1928 йилда жун стандарти белгиланди. Бу вақтга келиб қишлоқ

хўжалиги машина ва асбоб-ускуналарини унификациялаш (бир хиллаш) асосан якунланганди, бу эса уларнинг русум (марка)лари ва турларини сезиларли даражада камайитириш имконини берди. Кейинроқ олма стандарти тасдиқланди (1929 йил), 1930 йилда биринчи марта картошка, бодринг, нок, сабзи, пиёз, лавлаги ва бошқа мева-сабзавотлар стандартлари жорий этилди.

Сифатни яхшилаш дастурларини ташкил этувчи стандартлаш билан маҳсулот сифати ўртасида 1924 йилдан бери мавжуд бўлган бевосита алоқажуҳат асосида расмийлаштирилди. Мамлакатимизнинг шону-шарафига айланган улуғ олимларимиз ўз замонасида ривожланган барча йўналишларида ижод қилиб каттадан-катта стандартлаштириш ва сифатни яхшилашга қўл урганлар ва мулоҳазаларни билдиришган. Мавзуимизга оид турли хилдаги муаммоларнинг ечимини топиш, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сифат менежменти тизими устида илмий иш қилганлар ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини яратишга муносиб ҳисса қўшганлар. Маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини таъминлашда, стандартлашда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан стандартлашнинг самарадорлигини баҳолаш муаммосининг айрим назарий жиҳатларини ўрганиб чиқишган.

Ишлаб чиқариш соҳаси, қандай бўлишидан қатъий назар, муайян даражада стандартлаш жараёни билан шубҳасиз боғлиқлиги стандартлаш жараёни бу норматив ҳужжатларга қоида, меъёр ва топширилган тавсифномаларни киритиш ҳисобланиб, уларнинг бажарилиши меҳнат фаолиятининг ҳар қандай соҳасида маҳсулотлар туркуми юқори сифатли бўлишини кафолатлайди [52].

Маҳсулотларни мажбурий экологик сертификатлаштиришнинг ўзига хослигини, Ўзбекистон Республикаси Давлат Табиатни Мухофаза қилиш қўмитасининг алоҳида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида расмийлаштирилади.

Техник шартлар бўйича стандартларга асосан, ишлаб чиқариш маҳсулотлари жавоб бериши лозим бўлган техник талаблар киради. Синов усуллари бўйича стандартларда техник талабларда кўрсатилган кўрсаткичларнинг ўлчовларини бажариш услубиятлари баён қилинган[55].

Экологик сертификатлаш — бу моҳиятан барча юридик ва жисмоний шахслар хўжалик фаолиятининг мантиқий якуни бўлиб, уларга расмий ҳужжат - экологик сертификат берилади.

Экологик сертификатга эга бўлмай туриб, хом-ашё ва материаллардан фойдаланиш, технологик жараёнларни жорий этиш ва тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш тақиқланади, деб қайд этилган Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги» Қонуннинг 46-моддаси экологик сертификатлашнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси «Чикиндилар тўғрисида» ги қонуннинг 19-моддаси эса чикиндиларни экологик сертификатлашнинг қонуний ҳуқуқини тартибга солади, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 апрелдаги №151 сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига экологик хавфли маҳсулот ва чикиндиларни олиб кириш ҳамда олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида» ги Қарорида объектларни экологик сертификатлашнинг тартиби тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Давтабиатқўмита ва Ўзбекистон Республикаси "Ўзстандарт" Агентлигининг маҳсулотлар, хизматлар ва технологик жараёнларнинг экологик хавфсизлиги соҳасида сертификатлаштириш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида 2006 йил 12 апрелида Ўзбекистон Республикаси Давтабиатқўмита ва "Ўзстандарт" Агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланган. Унга қўра ҳамкорликнинг қуйидаги тамойиллари белгиланган. -маҳсулотлар, хизматлар ва технологик жараёнларни экологик сертификатлаштириш масалалари бўйича ягона техник сиёсатни олиб бориш;

-маҳсулотлар, хизматлар ва технологик жараёнларни экологик хавфсизлиги соҳасида экологик сертификатлаш масалалари бўйича амалдаги қонунчилик актлари ва меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш.

Халқаро тизимлар ва келишувлар доирасида тан олинган экологик сертификатларни тан олиш, ушбу халқаро тизимлар ва келишувларда ўрнатилган қоидалар асосида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос равишда амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мутахассис-технологлари стандартлаштиришдан муваффақиятли ва тўлиқ фойдаланиш учун агросаноат мажмуи барча тармоқларидаги стандартлар талабларини яхши билишлари лозим бўлади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириб бориш натижасида унинг ишлаб чиқариш даражасининг яхшиланишига олиб келади. Маҳсулот сифатидан давлатнинг техник такомиллашгани ва ривожланганлигига баҳо берса бўлади.

Республикада иқтисодни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, маҳсулот сифатини систематик равишда ошириб боришдир. Маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментларини кенгайтириш ва истеъмолчилар талабини қондириш ҳозирги бозор иқтисодиётининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифат даражасини таъминлаш учун стандартлар ва техник шартларнинг меъёрий талабларига боғлиқ ҳолда систематик назорат ишларини олиб бориш лозимдир [55].

Маҳсулотларнинг сифатини оширишда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришнинг ролига доир муаммоларнинг турли жиҳатлари олимлар томонидан ўрганилиб, бозор иқтисодиётига тадбиқ этилган[4].

Метрологик таъминот, сертификатлашнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилган. Республикада бу борада стандартлаштириш соҳасида олиб борилаётган ишлар вабу ишларни бизда жорий этиш йўллари кўрсатилган [2].

Кўпчилик олимлар томонидан Ўзбекистон Республикаси "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонуни илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Бу қонунни ҳозирги кунда баъзи бир соҳаларда қўлланилишини устида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилган[48, 49, 50, 53, 61].

1.2. Маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг назарий ва ҳуқуқий асослари

Бошқа соҳаларга нисбатан агросаноат мажмуи ишлаб чиқарувчилар ва етиштирувчилари фаолиятида халқаро стандартларни қўллаш мураккаброқ кечади. Чунки аграр ишлаб чиқариш фаолиятига ернинг кенглиги, сувнинг таркиби, тупроқ унумдорлиги, кимёвий препарат ва ўғитлардан фойдаланиш даражаси, техника, инсон ва бошқа омилларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилишини талаб қилади. Чунки, сифат бошқарув тизимига ушбу омиллар таъсир қилиб, бевосита етиштирилаётган ёки ишлаб чиқарилаётган қишлоқхўжалик маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигига, салбий ва ижобий таъсирларини кўрсатади. Шу сабабли, халқаро стандартларни агросаноат мажмуида қўллаш давомида ушбу омилларнинг таъсирини тўла ҳисобга олиш ва ижобий натижаларга эришиш учун илмий асосланган ечимини топган ҳолда амалга

ошириш корхона фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлайди.

Кўп йиллик тажрибалар натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда корхона менежменти тизимининг таркибини ташкил этувчи элементларидан бири сифатида менежмент тизимига турли хил стандартларни истиқболли жорий этилиш тадбирлари амалга оширилиб келинмоқда.

Менежмент тизимидеганда фаолият ёки ишлаб чиқаришни мақбуллаштириш учун сиёсат ва мақсадларни ишлаб чиқиш ва ушбу мақсадларга эришиш учун фойдаланиладиган ўзаро боғланган ва ўзаро биргаликда ҳаракат қиладиган элементлар мажмуи тушунилади. У ўз ичига ташкилий тузилмани, ресурслар ва жараёнлар, процедуралар, амалиёт, жавобгарликни тақсимлаш, режалаштириш бўйича фаолиятларни қамраб олади.

Ташкилот менежмент тизимлари - сифат менежменти тизими (СМТ), экологик менежменти тизими (ЭМТ), меҳнатни муҳофазалашва касбий касалликларни олдини олиш соҳасидаги менежменти тизими, мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти менежмент тизими ва бошқа турдаги менежмент тизимларини қамраб олиши мумкин.

Замонавий бозор муносабатларида ISO 9000 серияли халқаро стандартлар асосий муҳим ўринга эга. Ўз вақтида, яъни, бу стандартларнинг олдинги 1987 йилдаги биринчи версияси нашри турли тармоқлардаги корхоналарда сифат бўйича ишларни ташкиллаштиришда эталон, рақобатбардошликни ошириш ва ҳамкорлар томонидан ишончни мустаҳкамлаш воситаси сифатида тан олинган.

Республикамиз корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро бозорга чиқишга эришиш учун ISO 9000 серияли халқаро стандартлар асосида сифат менежменти тизимини жорий этишга ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштиришга қизиқувчиларнинг ортиб бориши кузатилмоқда. Сифат менежменти тизимини жорий қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш, корхоналарнинг тендерларда қатнашиш, менежмент тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш ва ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш имкониятларини беради.

Корхонада ISO 9001 сертификатнинг мавжудлиги ҳамкорлик муносабатларни ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиши, жаҳон молиявий бозорига чиқиш учун мажбурий шартлардан бўлиб ҳисобланмоқда. ISO сертификати - нуфузли ва обрўли халқаро ташкилот (ISO) томонидан ҳолисона тан олинган гувоҳномадир.

ISO 9000 серияли халқаро стандартлар тарихи 1987 йилдан бошланади. Айнан шу йилда ISO ташкилоти сифат менежменти тизимини ташкиллаштириш бўйича энг биринчи ISO 9000-87 номли универсал стандартларни қабул қилган. ISO 9000 стандартлари АҚШ ҳарбий вазирлигида ушбу маҳсулотнинг сифат даражасини таъминлашда ҳарбий тармоқ учун таъминотчиларни баҳолашда фойдаланилган стандартлар олиниб ва бунинг асосида ишлаб чиқилган. ISO 9000 стандартлари услубий режасида сифатни бошқаришга комплекс ёндашув (Total Quality Management, TQM) базаси асос бўлиб ҳисобланади.

ISO 9000 оиласидаги стандартлар учта моделини сертификатлаштиришга асосланган:

ISO 9001 - Ишлаб чиқиш (ишлаб чиқариш, лойиҳалаштириш, монтаж ва хизмат кўрсатиш) босқичларида сифатни таъминлаш модели.

2.ISO 9002 - Ишлаб чиқариш ва монтаж босқичларида сифатни таъминлаш.

3.ISO 9003 - Тайёр маҳсулотни синаш ва текшириш босқичида сифатни таъминлаш модели.

ISO 9000 (ISO 9000-94) серияли стандартларининг кейинги версияси 1994 йилда пайдо бўлди. Ўзида ноаниқ ҳолатларни тушунтириш ва бартараф қилиш билан 1987 йилги стандартлар тузилмасини такрорлаган. ISO 9000 (ISO 9000:2000) серияли халқаро стандартларнинг янги версияси 1994 йил 15 декабрдаги олдинги версияси билан 2000 йилда расман алмаштирилди. 2001 йилнинг 1 январидан ISO9000:2000 версияси амалга киритилди. Янги версия стандарти сертификатлаштирувчи, муқобил сифат моделларини ўзида мужассам этмайди. Пайдо бўлган ISO 9001:2000 стандартини қайта кўриб чиқиш натижасида 1994 йилги ISO 9001, ISO 9002, ISO 9003 стандартлар версияси қатор тамойилли фарқлари мавжудлигини ўзининг моҳияти бўйича алмаштирилган. Масалан, ҳужжатлар мажмуаси аввал 24 та стандартдан иборат бўлган бўлса, ҳозирда ўзида қуйидаги 5 та асосий стандартларни қамраб олади:

ISO 9000:2000 - Сифат менежменти тизимлари. Асосий тамойиллар ва луғат.

ISO 9001:2000 - Сифат менежменти тизимлари. Талаблар (сертификатлаштириш ва аудит мақсадлари учун қўлланиладиган ва сифат тизимига зарурий талаблар йиғиндисини ўрнатади).

3. ISO 9004:2000 - Сифат менежменти тизимлари. Яхшилаш бўйича раҳбарий кўрсатмалар (корхона фаолиятининг юқори самарадорлигига мўлжалланган сифат менежменти тизимини яратиш бўйича услубий кўрсатмалардан таркиб топган).

4. ISO 19011:2000 - Сифат менежменти тизими ва атроф-муҳитни ҳимоялашни текшириш бўйича раҳбарий кўрсатма,

5. ISO 10012 - Улчаш воситаларининг сифатини таъминлаш. ISO 9001 ва ISO 9004 асос солувчи стандартлар бўлиб, тузилмаси ва мундарижаси бўйича тўлиқ ўзаро уйғунлашган. Улардан биргаликда ва ажратилган якка тартибда фойдаланилади. Иккала стандарт сифат менежменти жараёни моделига асосланган, аммо қўлланилиш соҳаси турлича бўлган бир хиллик мавжуд. Иккала стандарт муайян тармоқда ишлаб чиқилиши мумкин бўлган асосий талабларни ташкил этиб ва барча турдаги маҳсулотларга қўлланилиши мумкин. ISO 9001 ва ISO 9004 стандартлари бошқа тизим стандартлари билан бир-бирига мослиги сифатида қисман, атроф-муҳитни муҳофазалашни менежменти тизимларини тартиблаштирувчи ISO 14001 ва ISO 14004 билан мослиги режалаштирилган. Амалдаги ISO 8402 стандарти ISO 9000 стандартига ўзгартирилди. У сифат менежменти тизими (маълумотли бўлими), ҳамда тушунчалар, атамалар ва таърифлар асоси бўлиб хизмат қилди. ISO 9000 стандарти ISO 9000:1994 ва ISO 8402 стандартларини алмаштиради. Бунда "Луғат" (ISO 8402) қайта кўриб чиқилишга дучор қилинди: "эски" тушунчалар аниқлаштирилди ва янги атамалар қўшимча киритилди.

Янги версиянинг муҳим жиддий фарқлари:

1. Асосига мижознинг қаноатланиши ва мижознинг кутилмаларини аниқлаш масалалари киритилган.

Раҳбариятнинг жавобгарлиги даражаси катталиги белгиланган.

Стандарт корхона фаолиятида ҳақиқатда мавжуд жараёнларига йўналтирилган.

Бошқа тизимлари билан интеграллашиш имкониятлари яхшиланган (масалан, ISO 14001 стандартига мувофиқ атроф-муҳитни муҳофазалашни бошқариш тизими билан).

Стандартларни ихтиёрий корхоналарда унинг ўлчами, маҳсулот ёки тармоғига боғлиқ бўлмаган ҳолда қўллаш имконияти

яхшилланган.

Мижознинг қаноатланишини ўлчаш талаблари пайдо бўлган.

Ресурсларни бошқаришга тааллуқли янги талаблар кўтариб чиқилган.

Айрим бир атамаларнинг қўлланилиши билан боғлиқ чигалликлар бартараф қилинган. Янги стандартларда "таъминот" атамаси "ташкilot"га, "субпудратчи" - "таъминотчи"га алмаштирилиб, "маҳсулотни олувчи" (эскича "истеъмолчи") "бўйртмачи" деб номлашда истеъмолчи, якуний фойдаланувчи ёки сотувчи назарда тутилган.

ISO 9001:2008 халқаро стандартининг янги талаблари. ISO 9001:2008 халқаро стандартида қуйидаги янги талаблар киритилган:

узлуксиз яхшилаш;

юқори раҳбарият ролининг оширилиши;

қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий талабларни кўриб чиқиш;

ўлчаниши мумкин бўлган мақсадларни ўрнатиш;

истеъмолчилар қаноатланиши тўғрисида гувоҳлик берувчи маълумотлари мониторинги;

ресурсларга эътиборнинг оширилиши;

ўқиш смарадорлигини аниқлаш;

маҳсулот, жараён ва тизимга тааллуқли ўлчашлар;

сифат менежменти тизими ўз вазифасини бажараш даражаси тўғрисида гувоҳлик берувчи маълумотлар таҳлили.

ISO 9001:2008. ISO 9001, ISO 9002, ISO 9003 1994 йилдаги версия стандартлари қайта кўриб чиқилган ISO 9001:2008 стандарти алмаштиради. Ушбу ҳужжат амалиётда ISO 9001:1994 нинг барча талабларини ва унга қатор янги қўшимчаларни ўз ичига олган. Стандартнинг тузилмаси тўлиқ ўзгартирилди: 20 та элементга бўлинган "кескин" талаблари 5 та асосий бўлимга киритилган - "Сифат менежменти тизими", "Раҳбариятнинг жавобгарлиги", "Ресурслар менежменти", "Маҳсулотнинг ҳаётий цикли жараёнлари", "Ўлчашлар, таҳлил қилиш ва яхшилаш". ISO 9001:2000 стандарти иловасида ISO 9001:1994 ва ISO 9001:2000 бўлимларга мувофиқ жадвали келтирилган. Ушбу жадвал сифат тизимини ҳужжатлаштиришда ва қайта кўришда қулай бўлиб, иккита иш бажармасдан сифат бўйича қўллангани шу бўлимни оддийгина кўчириб, яъни ўзгартиришга машаққат чекмасдан қайта ишлаб чиқишда фойдаланилади.

ISO 9004:2000. У барча қизиқувчи томонларнинг: бўйртмачилар, жараён эгалари, таъминотчилар, жамият талабларини максимал қаноатлантириш ва унинг ҳисобига ишларни ташкиллаштиришга мўлжалланган. Бу ерда корхона даромади ва бошқа юқорида тилга олинган субъектлар ва бўйртмачиларни қаноатлантириш йўллари таъминлаш тўғрисида фикр юритилмоқда. ISO 9004:2000 қўлланма ISO 14001:1996 "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш менежменти тизими" стандарти билан кўп жиҳатлари уйғунлашган бўлиб, бу икки стандартдан биргаликда фойдаланиш жамият учун фойда келтиради. Қайта кўриб чиқилган ISO 9004 стандарти бўйртмачилар, жараён эгалари, ишчилар, таъминотчилар ва жамият ҳамда истеъмолчилар қизиқишларига ташкilot фаолиятининг натижавийлигига эришишга мўлжалланган. Бунда ISO 9004 стандартининг ҳар бир бўлими ISO 9001:2000 стандартининг бўлимларига мувофиқ матнлардан таркиб топган. Ўзбекистонда 2002 йилдан ISO 9000 серияли 2000 йил версия стандартларига асл нусхасига тенг бўлган O'z DSt ISO 9001:2002 стандартлари амал қилинади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 2008 йилдаги ISO 9001 стандарти версиясини 2009 йилда тасдиқлаиб, O'z DSt ISO 9000:2009 стандарти амалга киритилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида сифат менежменти тизимларига талабларни ўрнатувчи қуйидаги стандартлар қабул қилинган ва амал қилади:

O'z DSt ISO 9000:2009 «Сифат менежменти тизимлари. Асосий қоидалар ва луғат»;

O'z DSt ISO 9001:2009 «Сифат менежменти тизимлари. Талаблар»;

O'z DSt ISO 9004:2009 «Сифат менежменти тизимлари. Фаолиятни яхшилаш бўйича тавсиялар».

ISO 9000 фалсафаси иқтисодий мақсадлар сифатида алоҳида корхонанинг ҳар бир ресурсларидан рационал фойдаланиш имконини берувчи "ишонч қоида"ни қўллаб иқтисодий самарадорликка асосланган. ISO 9000 сифат тизими стандартлари жорий этилган бўлса, таъминотчиларга кўпроқ ишонч ҳосил қилиш имкониятини беради деб ҳисоблаш мумкин. Сифатни бошқариш ва сифат тизимини сертификатлаштириш тушунчаларига аниқ бўлиши муҳимдир. Сифатни бошқариш - ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни оқилона ва эътиборли бошқариш ҳисобига маҳсулот ва хизматларнинг юқори сифат даражасини амалда таъминлаш имкониятини берувчи корхона бошқариш вазифаларидан биридир. Сифат менежменти тизими муайян корхонанинг вазифа ва хусусиятларига мувофиқ ташкиллаштиришдир. ISO 9000 стандартлари бундай тизимни қуриш усулини таклиф қилади ва расмий равишда сертификатлаштириш мумкин. СМТ сертификатлаштириш ушбу маҳсулот ва хизматлар сифатининг юқорилиги ва барқарорлигини таъминлаб, талабларни аниқлаб ва самарали ишчи ҳолатдалиги ҳисобига ушбу корхона СМТ ишлаб чиқилганлиги ва ташкиллаштирилганлиги бозордаги бошқа иштирокчиларга намоён қилади.

ISO 9000 стандартлари кўплаб давлатларда тан олинган. O'z DSt ISO 9000 стандарти кўринишида стандартлар версиясининг аслига тўғри бўлиб миллий тилга ўғирилган

Хулоса қилиб айтганда, ISO 9000 стандартлари оиласининг универсаллиги ҳар бир алоҳида маҳсулот ёки хизматлар тури (масалан, маҳсулотнинг талаб этилган техник тавсифлари) учун сифат мезонларини мутлоқ ўлчаниши тавсия этилмайди. Маҳсулот ёки хизматларнинг инсонлар талабларини қондириш хусусияти бўлса бу сифатлидир, бунинг эса иложи йўқ, лекин талаблар турли ва тугалмасдир. ISO 9000 стандартлар оиласи фақат сифат тизими ишчи ҳолати усулиятини намоён этади, ўз ўрнида ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулот ва хизматлар юқори сифатлилигини таъминлаш лозим, бошқача сўз билан айтганда, истеъмолчиларнинг юқори даражада қаноатланишини таъминлаш лозим.

1.3. Маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг замонавий муаммолари

ISO 9000 стандартларини жорий этишга иккита ёндошув мавжуд. Биринчи ҳолатда стандартлардан ташкilot самарадорлигини ошириш воситаси сифатида фойдаланилади. Бунда уларни жорий этишга ички талаб пайдо бўлиши ва

буни юқори раҳбарият яратади, бироқ бусиз келгусида ривожланиш бўлмайди. Бундай стратегияда тизимнинг натижавийлигини ошириш, ҳолисона ички аудитни ўтказиш, ўз-ўзини баҳолаш учун ресурсларни белгилаш, энг мақбул ҳужжатлар таркибини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлади ва сифат тизими ташкиллаштириш, жараёнлар, маҳсулот сифати биринчи ўринда туради.

Иккинчи ҳолатда эса, сертификат олиш мақсадида стандартлар жорий этилади. Бунда бошқалардан қолишмаслик истагида, шартномалар тузишда истеъмолчилар, ҳамкорлар ёки тендер талаблари шартлари бўлиши мумкин бўлган зарурият юзага келади. Бундай ёндошувда барча куч ва эътибор сертификатлаштириш идораси талабларини расмий бажариш ва ҳужжатларни ишлаб чиқишга жалб этилади. Техник, иқтисодий ва бошқарув қарорларини қабул қилувчи мутахассислар бир томонга қолиб, ходимлар фақат текширувчилар учун зарур бўлган ишларни бажаришади.

Стандартларни жорий қилишдан асосий мақсад бу тизим сифатни яхшилаши лозим.

СМТ самарали жорий этиш ва қуриш учун корхонанинг сифат соҳасидаги стратегиясини аниқлаш, корхонада СМТ ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишчи гуруҳини яратиш, бизнес жараёнлар таҳлилини ўтказиш, корхонада сифатни бошқариш соҳасида бажарилган ишларнинг бутун тафсилотини таҳлил қилиш керак. Сифат менежменти тизимини ва СМТ ҳужжатлаштирилган процедураларини ишлаб чиқиш машаққатли ва масъулиятли босқич бўлиб ҳисобланади ва шунинг учун лойиҳанинг алоҳида босқичи этиб белгиланган.

ISO 9000 стандартлари бўйича сертификатлаштириш корхона сифат тизимининг қатор таркиблари сифатида ва расмий талаблар сифатида мувофиқлиги кўзланган. Сифат тизимини бу талабларга мувофиқлигини ўрнатиш жараёни ўта машаққатли бўлиши мумкин, яъни кўп вақт талаб этилади. Бунинг учун, корхона раҳбарияти ISO 9000 бўйича сертификатлаштиришга сифат тизими тайёрлиги тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин, барчадан "рози" ва "қарши" лигига пухталиқ билан ёндошмоғи лозим, шунингдек, корхона учун сифат тизимига сертификат нима учун кераклигини яққол аниқлаши лозим.

Бир қанча муаллифларнинг қарашлари бўйича ISO 9001:1994 стандарти бўйича ўзининг сифат тизимини сертификатлаштирган корхоналар қутилган самарани олишмаган. Бизнеснинг фикримизча, камчилик стандартларда эмас, балки, уларнинг талабларини қанчалик тушуниш ва аниқ бажаришда. Муваффақиятсизлик СМТ ишлаб чиқиш ва жорий этишда бўлиши мумкин, лекин сертификатлаштиришда қўпол номувофиқликлар, расмийчиликлар ёки нолаёқатли аудиторлар танбеҳлар бериш билан "тўхтатилади".

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни вазирликлар, техникавий қўмиталар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг истиқболли режалари асосида тузилган йиллик режа бўйича "Ўзстандарт" агентлиги амалга оширади.

Ўзстандарт агентлиги, Давархитектқурилиш қўмитаси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги(бирктирилиши соҳалар бўйича) республика стандартларини қўрибчиқадилар, тасдиқлайдилар, уларнинг қўлланиш муддатини чўзадилар ва бекор қиладилар ҳамда унга ўзгартришлар киритадилар.

Республикада ишлаб чиқилган стандартлар ва уларга ўзгартришлар тасдиқланиши даражасидан қатъий назар Ўзстандарт давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

1-Бобга хулоса

Республикада ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларини сифатини аниқлаш усуллари ва маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, усулбий қўлланмалар бўйича таҳлил қилинган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириб бориш натижасида унинг ишлаб чиқариш даражасининг яхшиланишига олиб келади. Маҳсулот сифатидан давлатнинг техник такомиллашгани ва ривожланганлигига баҳо берса бўлади.

Республикада иқтисодни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири, маҳсулот сифатини систематик равишда ошириб боришдир. Маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментларини кенгайтириш ва истеъмолчилар талабини қондириш ҳозирги бозор иқтисодиётининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Маҳсулот сифат даражасини таъминлаш учун стандартлар ва техник шартларнинг меъёрий талабларига боғлиқ ҳолда систематик назорат ишларини олиб бориш лозимдир.

Ташкилот менежмент тизимлари - сифат менежменти тизими (СМТ), экологик менежменти тизими (ЭМТ), меҳнатни муҳофазалашва касбий касалликларни олдини олиш соҳасидаги менежменти тизими, мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти менежмент тизими ва бошқа турдаги менежмент тизимларини қамраб олиши мумкин.

Республикада корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро бозорга чиқишга эришиш учун ISO 9000 серияли халқаро стандартлар асосида СМТ жорий этишга қизиқувчиларнинг ортиб бориши кузатилмоқда.

II боб. РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ

2.1. Маҳсулот сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш бўйича халқаро тажриба

Бутун дунё бўйича корхоналарнинг хусусий эгалари фаолияти амалиётида, барчаси аънавийлик қаторида стандартлаштиришнинг янги соҳасини қамраб олган, экологик менежменти тизимига ISO 14000 серияли стандартлар, меҳнатни муҳофазалаш ва касбий хавфсизлик менежменти тизимига OHSAS 18000 серияли стандартлар, этика менежменти ва ижтимоий тизимга SA 8000 стандарти ва бошқа стандартларга эътиборни фаол оширишмоқда. Менежмент тизимига тааллуқли муайян тармоқларда қўллаш учун ISO 9000 серияли стандартлар асосидаги стандартлар, шунингдек, бошқарув тизими стандартлари HACCP- XACCP (Hazard Analysis and Critical Control Points - хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари, ХТ ва КНН) тамойилларига ва GMP (Good Manufacturing Practice- мақбул ишлаб чиқариш

амалиёти) тамойилларига асосланган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши Global GAP (GoodAgriculturePractice- мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти) ва ЎНК (ForestStewardship Council – Ўрмон нозирлик кенгаши) тамойилларига асосланган тизим стандартлари ишлаб чиқилган.

Халқаро стандартлар инфратузилмаси ишлаб чиқаришни ва жараёнларни (MRP, MRP II, ERP, CALS, ARIS, IDEF ва бошқа) намунавий режалаштириш тизимига халқаро тан олинган стандартлар ҳисобига аҳамиятга молик бўлиши мумкин. Аммо, бу стандартлар гарчи ташкилот менежменти самарадорлигини оширишга йўналтирилган бўлсада, алоҳидаменежментнинг техник масалаларини ечишга моҳияти бўйича восита бўлиб ҳисобланади ва шунинг учун ҳам алоҳида ёрдамчи аҳамиятга эга деб қаралади. Бироқ, менежмент тизимига халқаро стандартлар талабларига мувофиқ бирлашган менежмент тизими жараёнларининг барчасини идентификациялаштирилганидан сўнг, улардан мақсадли фойдаланишни ҳисобга олиш зарур. Мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизими қисмида хавфсизлик ва сифат менежменти тизимини кўриб чиқамиз. Дастлаб, қандайдир модел бўйича озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхонасида: сертификатлаштириш учун; самарадорликни (озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги, хизматлари, жараёнлари, ходимларни ва ҳ.к.лар) ошириш учун менежмент тизимини жорий этиш лозим.

У ёки бу тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишида ташкилотнинг ўзига хос хусусиятлари, амалга ошираётган ишларининг ҳажми, ташкилотнинг кўлами, у ишлаб чиқариш ёки чакана савдо корхонаси бўлиб ҳисобланадими, корхона ишлаб чиқараётган ёки фойдаланишга бераётган маҳсулотларининг номлари ва бошқа кўплаб омиллари аниқланади. Замонавий озиқ-овқат саноатида сифат ва хавфсизликни бошқаришнинг асосий элементлари: ISO 9000 халқаро стандартига мувофиқ корхонанинг сифат менежмент тизими (СМТ); HACCP тамойилларига мувофиқ озиқланиш маҳсулотлари хавфсизлик тизими; ишлаб чиқаришда санитария ва гигиена (GMP) тизими; ISO 14000 бўйича экологик менежменти тизими бўлиб ҳисобланади. 2005 йилнинг 1 сентябридан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тизимига талабларни ўрнатувчи ISO 22000 серияли стандартлар амалга жорий этилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими корхоналарга қуйидаги мақсадларни бажариш учун керак бўлади:

- ишлаб чиқариш жараёнларининг барча босқичларида ва барча хавфсизлик омиллари ва муҳим критик элементларининг муносабатларида озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини бошқариш;
 - назорат идоралари, ҳамкорлар ва истеъмолчилар талабларини қондириш;
- ҳужжатларни бошқариш, жавобгарлик ва ваколатларни тақсимлаш, бизнес-жараёнларни шакллантириш ва тартибга солиш натижасида корхонанинг бошқариш тизимини оптималлаштириш.

АҚШда Европа иттифоқи мамлакатларида гигиена ва санитария соҳасида ишлаб чиқариш хатоларининг хавф-хатарини минимумга олиб боришга фойдаланиладиган СМТнинг қисми GMP қоидалари бўлиб ҳисобланади.

GMP (Good Manufacturing Practice) - бу яхши ишлаб чиқариш амалиёти ЕС 93/43 Директивада ўрнатилган бўлиб, озиқ-овқат бизнесида фаолият олиб бораётган ва бу соҳада иш олиб боришни бошлаганларга рухсат олиши учун керакли шартларни бажаришга зарурий бўлиб ҳисобланади.

GMP - FDA (АҚШ дори воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилиш бўйича ҳукумат Агентлиги) назоратида турган бир қанча озиқ-овқатлар ва медикаментларни ишлаб чиқариш учун меъёрлар, қоидалар ва қўлланмалар мажмуасидир. GMP умумий қоидаларига мувофиқ турли хил мамлакатлар алоҳида маҳсулот турларини ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаштириш шароитларида мувофиқлаштирувчи, стандартлар ва ҳужжатларни ишлаб чиқишмоқда. GMP қоидаларида маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва фойдаланиш жараёнларида санитар-гигиеник чора-тадбирларни амалга оширишга асосий эътибор қаратилган.

GMP қоидалари шунингдек, ишлаб чиқарувчилардан ўрнатилган талабларга мувофиқ ўлчашлар усули ва воситалари, асосий ва қўшимча қурилмаларни, технологик жараёнларнинг ишчи ҳолатда эканлигини исботлашни талаб этади.

Ўзбекистонда "Аҳоли соғлиғи-саломатлиги санитар-эпидемиологияси тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ва соғлиқни сақлаш вазирлиги қондатарига мувофиқ, санитар-гигиеник қоида ва меъёрларига асосан халқ истеъмоли маҳсулотлари ва хом-ашёларини айри бошлаш ва савдо ташкилотларига санитар-эпидемиология талаблари; санитар-эпидемиология (профилактика) чора-тадбирларини бажариш ва санитар қоидаларига риоя этиш бўйича ишлаб чиқариш назорати ташкил этиш ва ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига мос бўлган гигиеник талаблар бўлиб ҳисобланади. "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ маҳсулотлар, ишлаб чиқариш жараёнлари, эксплуатацияси, сақлаш, фойдаланиш ва утилизациялаштириш хавфсизлиги, - бу ўсимлик ва жониворларнинг ҳаёти ва соғлиғи, давлат ёки маҳаллий мулклари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказиш. сабаблари билан боғлиқ рухсат этилмаган хавф-хатарлар мавжуд бўлгандаги ҳолатидир. Ўтган аср охирларига келиб Европада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича долзарб муаммолар юзага кела бошлади.

Етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланаётган корхоналар савдода ўз бизнеси учун таҳдидга тушиб қолиш ва хавфсизликни минимум даражага тушириш учун, савдо тармоқларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича янги стандарт ишлаб чиқиш ғояси пайдо бўлди, бу EurepGAP: Ешо- RetailerProduceWorkingGroup - озиқ-овқат товарлари чакана савдо масалалари бўйича европа ишчи гуруҳи ва GAP (Good Agricultural Practice) мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти (ёки яхши қишлоқ хўжалик амалиёти) номини олди. GLOBAL GAP - бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун биринчи даражали стандарт бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини экиш вақтидан то маҳсулотларни йиғиб олишгача бўлган, агар чорвачиликда бўлса ишлаб чиқаришга киришиш вақтидан оралиқ маҳсулот ҳолатига келгунча (боқиш ва сўйиш) бўлган даврда барча ишлаб чиқариш жараёнларини камраб олган меъёрий ҳужжатдир.

Ушбу ҳужжатда қишлоқ хўжалик корхоналарининг амалиётига тегишли умумий тамойиллар баён қилинган бўлиб, бутун жаҳонда етакчи савдо компаниялари учун мувофиқ бўлган, глобал миқёсдаги ўсимликшунослик, чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг оптимал усулларини жорий этишнинг асосий элементлари белгиланган. Стандартнинг асосий мақсади - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнининг барча циклини кузатиш йўли билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш даврида маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар ва хавфлилик даражасини минималлаштиришдир. Муқаддам қабул қилинган маҳсулот сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш тизими етарли даражада ўз самарасини бермаганлиги сабабли, янги - тайёр маҳсулотга эмас, балки маҳсулот етиштириш

технологиясини сертификатлаштиришнинг тан олинган тизими ишлаб чиқилди.

Мақбул қишлоқ хўжалик амалиёти (GAP) - бу етиштириладиган маҳсулотда зарарли кимёвий моддаларни йиғилиши ҳамда уни микробиологик ва механик ифлосланишидан ҳимоялаш шароитларини яратади. Шундай қилиб, GlobalGAP сертификати - аниқ бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш даврида сифат ва хавфсизлик бўйича ўрнатилган барча талаб ва тавсияларни тўлиқ бажарилганлиги кафолати ҳисобланади.

1. Дунё миқёсидаги дастлабки ишлаб чиқаришда озиқ-овқат маҳсулотларига хавфсизлик тутдирадиган хавф-хатарларни қисқартиради.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлатлараро ва маҳаллий дастурларни қабул қилиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.

Озиқ-овқат тармоғи ва истеъмолчилар учун, НАССР/ХАССПнинг асосий тавсиялари бўйича хавф-хатарни баҳолашга тегишли аниқ стандарт.

Аниқ маслаҳатлар берилиши сабабли озиқ-овқат занжирининг барча босқичларида технологик ахборот платформасининг доимий такомиллашиши.

2. Харажатларни қисқартиради (меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш).

Кўптармоқли қишлоқ хўжалик корхоналарида бир нечта маҳсулот аудитларининг олдини олишга йўналтирилган ягона комплекс аудитни ўтказиш.

GLOBALGAP (EUREPGAP) стандарти бўйича ишловчиларга етказиб берувчилар буюртмаларнинг ўз вақтида етказиш, умумовқатланиш хизмати ва турли савдо ташкилотлари вакиллариининг сотиб олишдаги талабларининг ортиб боришининг олдини олиш.

Ишлаб чиқарувчилар ўз ташаббуси бўйича стандартларни жорий этиш орқали бошқа тартибга солишлар юзага келишининг олдини олиш.

Глобал уйғунлаштиришнинг муваффақиятга эришишида барча учун тенг имкониятларни яратиш.

GLOBALGAPHH қатъий тартибга солишда сертификатловчи идораларни ишлаб чиқарувчи танлаши.

3. Бутун дунёда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш тизимининг яхлитлигини кучайтириш.

Аудиторларнинг билим даражасига қўйиладиган ягона талабларни аниқлаш ва ўрнатиш.

Текширув ҳисоботларига қўйиладиган ягона талабларни аниқлаш ва ўрнатиш.

Номувофиқликлар учун ягона тўғирловчи тадбирларни аниқлаш ва амалга ошириш.

Мувофиқлик мезонларини интерпретацияларини келишиши.

Жаҳоннинг аксарият давлатларида GlobalGAP тизими озиқ-овқат тармоқларда етиштиришни бошқариш ва хавфсиз маҳсулотни етказиб беришнинг самарали асоси ҳисобланади.

GlobalGAP тизими сифат менежменти тизимларига мос келади: Масалан, BRC, IFS, ISO 9001:2008. Ушбу стандарт дунё мамлакатларида давлат стандарти сифатида қабул қилинган бўлиб, миллий қонунчиликка зид келмайди. Европа бозорларига чиқиш учун кўплаб Европа савдо мажмуалари GlobalGAP тизими билан ишлаб келади ва бу сертификатланмаган маҳсулотларнинг бозорга чиқишини олдини олиб, сертификатлаштирилган маҳсулотларнинг сотилишга кўмаклашади. Демак, республикамиз қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларининг еуропа бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаши учун қишлоқ хўжалик етиштирувчиларнинг GlobalGAP тизими бўйича сертификатлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

2.2. Маҳсулотларни сифатини бошқариш ва озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини барқарорлаштириш.

НАССР тамойилларига асосланган маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш тизimini янада батафсил кўриб чиқамиз. НАССР (инглизча Hazard analysis and critical control points - «Хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари», қисқамаси ХТКНН, рус тилида ифодаланиши эса - ХАССП).

НАССР концепцияси ўзида озиқ-овқат хом ашёларини тайёрлашдан то якуний истеъмол маҳсулотигача барча озиқ-овқат занжири орқали ўтишида озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш учун назоратни ўтказиш, хавфли омилларни аниқлашга, уларни баҳолашга тизимли ёндошувни намоён этади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, НАССР тизими асосан сифатни таъминлашга профилактик ёндошувда қурилган ва шунинг учун на фақат ишлаб чиқариш жараёнилари давомида назорат воситаси бўлиб ҳисобланиб, балки, янги маҳсулотларни ишлаб чиқишда сифатни лойиҳалаштириш учун қўлланилади.

НАССР тизимини қўллашдан асосий мақсад барча босқичларда (тайёрлаш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сақлаш, ташиш, тарқатиш, юклаш-тушириш ишлари, сотишга таклиф этиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш) жараёнларини узлуксиз текшириш, таҳлил қилиш ва мониторингини ўтказиш орқали озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлиги ва гигиенаси таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

Тўғри қўлланиш шароитларида НАССР тизими ўзида озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини самарали бошқариш ишончини берувчи сифатида тавсияларни намоён этади. Тизим корхоналарга хавфсиз маҳсулот етказиш ва кераксиз вазиятлар юзага келишини олдини олишни режалаштиришни имкониятини беради.

Истеъмолчиларга уларни талаблари ва хоҳишларини қондиридаган тавсифларга эга маҳсулотлар зарур. Эҳтиёжларни, рақобатчилик ва техникавий ривожланишлар ўзгаришида корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва жараёнларини доимий такомиллаштириши лозим.

Замонавий шароитларда озиқ-овқат корхоналари фақатгина сифати ва хавфсизлиги бўйича ўрнатилган талабларга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ўзи етарли эмас. Улар ўзларини аниқланган сифат даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир эканлигига истеъмолчилар ишончини таъминлаши ва унга мувофиқ далилларни тақдим этиши лозим.

Ҳозирги кунда Европа Иттифоқида озиқ-овқатларнинг хавфсизлигига қўлланиладиган қуйидаги директивлар амал қилади:

29. 04. 2004 йилдаги озиқ-овқатлар гигиенаси бўйича ЕС 852/2004 (14. 06. 1993 йилдаги ЕС 93/43 Директив билан

алмаштирилган).

29.04.2004 йилдаги жониворлардан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида давлат назоратини ташкиллаштириш бўйча талаблардан таркиб топган ЕС 854/2004 Директиви.

Codex Alimentarius.

Директив талаблари умумий тавсифда ва ишлаб чиқариш технологияларидан келиб чиқиб, ҳар бир корхона аниқлаштирмоғи лозим. Шу тариқа озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ва хавфсизлигини керакли даражада таъминлаш ва сақлаш чун HACCP тизимини корхоналарга ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия этилади.

Европа Иттифоқи мамлакатлари учун 2005 йил 1 июлдан кириш компоненталари (хом ашё)дан бошланиб, якуний маҳсулотни истеъмолчига етказишга технологик занжирнинг аниқ ва равшанлиги мажбурийдир.

Европанинг кўплаб мамлакатларида ва шунингдек, Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда сифати ва хавфсизлиги талабларини ўрнатувчи миллий стандартлар ва бошқа меъёрий ҳамда қонуний ҳужжатлар мавжуд.

Озиқ-овқат корхоналарида маҳсулот хавфсизлиги ва сифатини бошқариш тизимига ягона халқаро талабларинг мавжудлиги ISO 22000 серияли "Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлик менежменти тизимидир. Етказиб бериш занжирининг барчасига талаблар"ни ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди ва у 2005 йилнинг сентябридан амалга киритилди.

ISO 22000 HACCP ва ISO 9001:2000 стандартини бирлаштирувчи озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизимини баён этиб, бир вақтнинг ўзида GMP (яхши ишлаб чиқариш тажрибаси) дастлабки шартлар дастурини бирлаштиради ватушунчаларига изох беради. Ушбу стандартда асосий эътибор озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишда юзага келиш эҳтимоли бўлган хавф-хатарларни самарали бошқариш ва тизим жараёнларини модернизациялаш йўли билан харидорларни қаноатлантиришга қаратилган. Айти пайтда ҳужжатларнинг тузилмаси бу тизимни сифат менежменти ва атроф муҳитни ҳимоялаш тизимларга қулай бирлаштириш имконини беради. Охири тадқиқотлари шуни кўрсатади, ISO 22000 серияли стандарти жуда оммабоп бўлиб, охири 2 йилда бу стандарт бўйича сертификатлаштирилган корхоналар 3 мартага кўпайган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сифат менежменти тизимига талабларни ўрнатувчи O'z DSt TSO 22000:2010 "Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими. Озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш занжирида қатнашувчи ташкилотларга талаблар" стандарти қабул қилинган ва амалга жорий этилган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда HACCP тизими озиқ-овқат маҳсулотларини унинг ҳаётинг циклининг барча босқичларида энг яхши сифат ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро миқёсда умум тан олинган тизимдир.

Ўзбекистон Республикасида "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш соҳасида миллий қонунчиликни ривожлантиришга яна бир туртки бўлди. Озиқ-овқат соҳасида актларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиниши мавжуд техник регламентларнинг мақомини ва Ўзбекистон умумевропа интеграциялашуви жараёнида иштирок этиши, қонунчилик меъёрларини уйғунлаштириш ва яқинлаштиришга муҳим хизмат қилди.

Европанинг кўплаб давлатларида HACCP тизими озиқ-овқат гигиенаси бўйича чора-тадбирлар умумий тизимнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Буюк Британияда 1990 йил озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида Акт ва 1995 йил №1763 озиқ-овқатлар хавфсизлиги регламенти қабул қилинган. Бу ҳужжатлар ишлаб чиқариш занжирининг барча босқичларига талабларни кўрсатувчи қонунчиликни ўзида намоён этади.

Германияда 1997 йил 5 августдан 1974 йил 15 августдаги Озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги қонун асосида озиқ-овқат маҳсулотлари гигиенаси тўғрисидаги Федерал ҳукуматининг Қарори қабул қилинган ва амал қилинади. Бу қарорда кўрсатиладики, ким, қандай озиқ-овқат ишлаб чиқса, озиқ-овқатни қайта ишласа ёки етказиб бериш билан шуғулланра, текшириш ўтказиш йўли билан хавфли омилларни ўрнатиш, бу жараёнларнинг ҳар бири учун критик нуқталарни аниқлаш ва кафолатлаш лозим, яъни қабул қилинган хавфсизлик чора-тадбирлари даврий текширишдан ўтказилади. Уларни идентификациялаш учун HACCP тамойиллари хизмат қилади.

Италияда 1997 йил 26 майда №155 Қонуний Декрети қабул қилинган бўлиб, бу Декретнинг 3 моддасида HACCP тамойиллари ва умумий ва махсус чора-тадбирлари ўнта иловалар киритилган. Декретнинг кучга кириши озиқ-овқат тармоғи муассасалари учун HACCP тамойиллари мажбурий бўлишига замин яратди.

Белгияда HACCP тамойиллари 1997 йил 7 февралда озиқ-овқат маҳсулотлари умумий гигиенаси тўғрисидаги Қироллик Декретига биноан, шу йилнинг 25 октябридан мажбурий бўлиб ҳисобланади.

Испаниянинг миллий қонунчилигида HACCP тамойиллари 1995 йил 28 декабрдаги №2207/1995 ва 2000 йил 29 декабрдаги №3484/2000 сонли Қироллик Декретларида киритилди.

Португалияда ўз-ўзини назорат тўғрисидаги 1998 йил 18 мартдаги №67/98 сонли Қонуний Декретнинг 3 моддаси HACCP тамойиллари мазмунидан таркиб топган?

Францияда Истеъмолчилар Кодекси Қонуности Қисми I китоб II боби меъёрларини амалга ошириш мақсадида 90-йилларнинг ўрталарида HACCP тизимини амалга оширувчи қатор вазирликларнинг актлари чиқарилди. Бу барча актлар озиқ-овқат маҳсулотларинингалоҳида тоифаларига гигиеник талаблар кўрсатилган вертикалқонунчиликни намоён этади.

HACCP - концепцияси маҳсулотлар хавфсизлигига жиддий таъсир этувчи хавфли омилларни тизимли идентификациялаш, бошқариш ва баҳолашни назарда тутди. У биринчи бўлиб 1990 йилнинг бошларида АҚШда пайдо бўлди. Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида 1993 йилда ишлар озиқ-овқат маҳсулотларининг гигиенаси бўйича Директивалар (93/43) қабул қилинганидан сўнг HACCPни жорий этиш бўйича ишлар бошланган. Бунда озиқ-овқат саноати корхоналаридан ишлаб чиқараётган маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва технологик жараёнларни аниқланган нуқталарда мониторингини ўтказиш учун технологик жараёнлар параметрларида аниқланган критикхавф-хатарлар таҳлилини ўтказиш талаб қилинган.

Хавф-хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари тизими илмий-асосланган тизим бўлиб, хавф-хатар омилларининг назоратқилиш ва идентификациялаштириш йўли билан маҳсулотни хавфсиз ишлаб чиқарилишини кафолатлашга имкон беради. HACCP тизими халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилган, ўзининг самарадорлигини исботлаган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминловчи тизимлардан бўлиб ҳисобланади. HACCP тизимидан фойдаланиш якуний маҳсулотни синашдан озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлашда олдини олиш усулларини ишлаб

чиқишга ўтиш имконини беради.

Шундай қилиб, НАССР тизими мустаҳкам пойдеворга асосланиши лозим.

Бу пойдевор ишлаб чиқаришга мувофиқ ҳолда қуйидагилардан иборат:

Виждонан ишлаб чиқариш усуллари (GMP).

Санитар назорат усуллари (СНУ).

GMP ва СНУ ишлаб чиқариш шароитларига таъсир этади ва шунинг учун НАССР тизимини жорий қилишдан олдин дастлабки дастурлари билан мувофиқ бўлиши лозим.

НАССР тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун у ёки бу ишлаб чиқариш учун НАССР режасини ишчи ҳолатда қўллаш, яратиш ва жорий этиш тартибини аниқловчи еттита тамойилини қўллаш лозим.

1-тамойил. Хавф-хатарлар (хавфли омиллар) таҳлилини ўтказиш. Жараён таркибидаги операциялар рўйхатини тайёрлаш, қўлланиладиган назорат усулларини баён этиш, аҳамиятга эга бўлган хавф-хатарларнинг юзага келиши мумкин бўлган босқичларни аниқлаш лозим. Хомашёни олишдан бошлаб то якуний маҳсулотгача бўлган барча босқич жараёнларини тўлиқ акс эттирувчи ишлаб чиқариш жараёнларининг блок-схемаси тузилади. Схема тузилганидан кейин, ҳар бир босқичда юзага келиши мумкин бўлган барча мавжуд хавфли омиллар идентификацияланади, яъни бунда аҳамиятга эга хавфларни аниқлаш учун хавф-хатарлар даражаси аниқланади ва уларни назорат қилиш учун зарурий чора-тадбирлар баён этилади. Бу хавф-хатарларни таҳлил қилиш НАССР тизимида асосий босқичи бўлиб ҳисобланади. Таҳлил қилишга киришидан олдин гуруҳни НАССР тизимида қўлланиладиган хавфли омилларни аниқлаш билан таништириш лозим.

2-тамойил. Критик назорат нуқталарини (КНН) аниқлаш.

Хавфли омиллар таъсири эҳтимоллигини минимумга келтириш ёки қайтарилмаслиги учун назорат қилиниши керак бўлган жараён босқичлари ва операциянинг критик нуқтаси аниқланади.

3-тамойил. Параметрларнинг юқори қийматлари (критик чегаралари)ни ўрнатиш. Ҳар бир аниқланган КНН бўйича назорат чора-тадбирларини қўллаш .

4-тамойил. КНН назорат қилиш учун мониторинг тизими-ни ишлаб чиқиш. КНН назорат қилиш процедурасини, кузатиш ва ўлчашларнинг даврийлик тизимини, яъни ўрнатилган чегаралар доирасида КНН ҳолатини тасдиқлаш мақсадида аниқлаш лозим. Режалаштирилган синовлар ёки ўлчашлар ёрдамида критик назорат нуқталарини назорат қилиш имконини берувчи мониторинг тизими яратилади.

5-тамойил. Назорат остида турган КНН у ёки бу чиқишлари тўғрисидаги мониторинг натижалари гувоҳлик берган ҳолатларда қўлланиладиган тўғриловчи амалларни аниқлаш. Ушбу тамойилга мувофиқ тўғриловчи амалларни қўллаш тартибини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш учун жавобгарларни қайд этиш зарур.

6-тамойил. НАССРтизими ҳаққоний ишлашини тасдиқловчи текшириш (верификатлаш) процедурасини ишлаб чиқиш. Чора-тадбирларни бажариш давомини акс эттирувчи (мумкин бўлган ҳужжатлар рўйхат-ҳисобини) самарали ҳисоб тартибини ишлаб чиқиш ва юритиш; тўғриловчи амаллар ва технологик операцияларни ҳужжатлаштириш ва юритиш учун жавобгарларни тайинлаш лозим. Бундан ташқари НАССР тизимининг самарадорлигини тасдиқлаш имкониятини берувчи текшириш процедурасини ишлаб чиқиш керак.

7-тамойил. Ушбу тамойилларга тааллуқли барча процедура-лар ва ёзувларни тасдиқлаш ва уларни қўллаш. Параметрларнинг юқори қийматидан ихтиёрий оғишлар бўйича ҳаққоний тўғриловчи амалларни қўллаш тўғрисидаги ва НАССР тизимининг ишлаши назорат остидалиги тўғрисидаги ёзувларни юритиш. Бундай ҳужжатли расмийлаштириш хавфсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни далолатлаш бўлиб ҳисобланади.

НАССР тамойиллари озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида, озиқ-овқат маҳсулотларини дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлашда, ташиш ва буюртмачига етказиб бериш босқичларида ҳамда истеъмолчилар истеъмоли ва сотиштизимларида қўллаш мумкин.

НАССР асосида сифат тизимига жойлаштирилган барча та-мойиллар озиқ-овқат маҳсулотларига биринчи даражали талаблар, хавфсизлигига муҳим таъсир этувчи хавфли омилларни баҳолаш ва бошқариш, тизимли идентификациялаштириш кўзда тутилган.

НАССР тизимида **хавфли омил** - озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига сабаб бўлувчи ихтиёрий биологик/ кимёвий ёки физик хавф-хатарларни киритиш мумкин.

НАССР тизими хавф-хатарларини нолгача камайтирмайди, унинг мақсади озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига хавфларни, хавфли омилларни минималлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига хавф туғдирувчи хавфли омилларни учта гуруҳга бўлиш мумкин: биологик, кимёвий. ва физикавий.

Биологик хавфли омилларга зарарли бактериялар, вируслар ва паразитлар (масалан, сальмонелла, тилла ранг стафилококк, ичак таёқчаси) тааллуқли.

Кимёвий хавфли омилларга. бевосита ёки маълум бир вақтдан кейин зарар етказувчи, маҳсулотта сунъий йўл билан қайта ишлашда ёки қайта ишлаш жараёни даврмида, (масалан, антибиотиклар, пестицидлар, аллергенлар) четдан кирадиган моддалар бўлиши мумкин.

Физикавий хавфли омилларга озиқ-овқат маҳсулотларидаги турли тоифадаги предметлар, яъни инсон организмга тушганда зарар етказиши мумкин бўлган(масалан, шиша, металл, дарахт) предметлар тааллуқлидир. Кимёвий хавф омилларини пайдо бўлишининг асосий манбаларини кўриб чиқамиз:

1. Бехосдан озиқ-овқатга тушувчи химикатлар:
- а) қишлоқ хўжалиги химикатлари: пестицидлар, гербицидлар, ҳайвонлар учун доривор препаратлар, ўғитлар ва ҳ.к. корхона фойдаланиладиган химикатлар: дезинфекциялаш учун тозалаш ва ювиш воситалари, ёғлар, мойлаш материаллари, буёқлар, пестицидлар ва ҳ.к.
 - ташқи муҳитдан захарланиш: қўрғошин, кадмий, симоб, мышьяк, RCB.
 - Табиий пайдо бўлувчи кимёвий хавф-хатар омиллари: ўсимлик маҳсулотлари, ҳайвонот ёки микробли метаболизмлар.
 - Бехосдан озиқ-овқатларга қўшиладиган химикатлар: консервантлар, кислоталар, қайта ишлашни енгиллаштириш хусусиятига эга моддалар, озиқ-овқат қўшимчалари ва ҳ.к.

3 – жадвалда табиий хавфли моддалардан таркиб топган маҳсулотларга мисоллар келтирилган:

2– жадвал.

Кимёвий хавфли моддалардан таркиб топган асосий маҳсулотлар

Манба	Нима учун хавфли ҳисобланади?
Бирнеча балиқ турлари (масалан, тунец)	Бирнеча балиқ турлари гистамин токсик даражасини шаклланишига келтириб чиқариши мумкин
Ёнғоқлар, денгиз маҳсулотлари	Бирнеча тури ва навлари сезгир одамларда аллергик реакцияларни ҳосил қилади
Маккажўхори	Бирнеча моғор турлари маккажўхорида ўсиб, токсинлар (масалан, афлатоксин)ни ишлаб чиқариши мумкин

Физикавий хавфли омиллар инсонга шикаст етказувчи ёки касалликка чалиниши келтириб чиқарувчи озиқ-овқат маҳсулотларига тасодифан бошқа тоифадаги предметлар ёки физикавий предметлар бўлиб ҳисобланади. Бошқа тоифадаги материаллар булар шиша, металл ёки пластик сифатда бўлиб, технологик жараёнлар давомида қурилмалар нотўғри эксплуатация қилинганлиги учун ёки технологик жараёнларга риоя қилинмаганлиги учун парранда ва ғўшт маҳсулотларига кўпроқ маълум бўлган физикавий хавфли омиллар ҳисобланади.

Шундай қилиб, Санитар қоидалар ва меъёрларда озиқ-овқат маҳсулотлари учун биринчи галда ҳисобга олинadиган омиллар рўйхати ва ўзгаришларсиз хавфли омиллар келтирилган. Ҳар бир мавжуд омиллар хавф-хатарлар рухсат этилган даражадан оширмаслиги бўйича омиллар рўйхати тузилади ва уларнинг кетма-кетлиги ва омилларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигини ҳисобга олиб таҳлили ўтказилади. Агар мақбул хавф-хатарлар мавжуд бўлмасли тўғрисида маълумотлар бўлмаса, НАССР гуруҳи уни эксперт йўли билан ўрнатади.

НАССР гуруҳи хавф-хатарларни бартараф этиш ёки уларни рухсат этилган даражагача камайтиришга олдини олиш амалларни аниқлаш ва ҳужжатлаштириши лозим. Олдини олувчи амалларга ишлаб чиқариш технологик жараёнлари параметларини назорат қилиш; термик қайта ишлаш; консервантларни қўллаш; металлдетекторлардан фойдаланиш; зарарли моддалар концентрациясини даврий назорат қилиш; қурилмаларни, воситаларни, қўл ва пойафзал ва бошқаларни ювиш ва дезинфекциялаш тааллуқли.

Критик назорат нуқта. Критик назорат нуқта хавфли омилларни ва барча операцияларни, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнлари блок-схемаларини ҳисобга олиб аниқланади. Критик назорат нуқталари зарурий шартни қўрилайдиган операциянинг хавф-хатарлар аломатларини назорат қилиш (хавфли омилларни идентификациялаш ва (ёки) олдин олувчи (бошқарувчи) таъсирлар, хавф-хатарларни бартараф этиш ёки рухсат этилган даражагача камайтириш) бўлиб ҳисобланади. Олдини олувчи таъсирлар санитар қоидалар ва меъёрларда, қурилмаларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш тизимида, сифат тизими процедураларида ва корхонанинг бошқа менежмент тизимларида регламентланган ва режали тартибда тизимли амалга оширилади.

Назорат нуқталарига тааллуқли бўлмаган олдини олувчи таъсирларни бажарилиши ички текширувни ўтказишда даврий текширилади ва НАССР гуруҳи баҳолайди. Хавфли омилларнинг таҳлил натижалари ва криик назорат нуқталарини аниқлаш асосланган ва ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт.

Критик назорат нуқталари учун критик чегаралар қуйидагича ўрнатилади:

- идентификациялаш мезонлари – хавфли омиллар учун;
- рухсат этилган (рухсат этилмаган) хавф-хатарлар мезонлари – хавф-хатарлар аломатларини назорат қилиш учун;
- рухсат этилган чегаралар – қўлланиладиган олдини олувчи таъсирлар учун. “Критик чегаралар” деб номланувчи критик ва рухсат этилган чегаралар барча хатоликларни шунингдек, ўлчашларни ҳам ҳисобга олиб берилиши шарт.

Микдорий аломатларни визуал кузатув билан баҳолашда эталон-намуналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

НАССР тизими қуйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилганлигини таъкидлаш зарур:

НАССР тизими истеъмолчилар соғлиғи ва ҳаёти учун хавфларни пайдо бўлиш хавф-хатари даражасини рухсат этилгангача камайтириш ёки тўлиқ бартараф этиш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига ишончни ошириш.

НАССР тамойиллари асосида тайёрлаш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, тарқатиш, юклаш, ташиш, сақлаш ва фойдаланишда хавф-хатарларни бошқариш бўйича ишларни тартиблаштириш ва мувофиқлаштириш ҳисобига сифат барқарорлигини ошириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилиги муддатини узатириш.

Ишлаб чиқариш меҳнати, технологик жараёнларни самарадорлиги ошириш ва яроқсиз маҳсулотларни камайтириш (такрорий қайта ишлаш ва чиқиндиларни камайтириш), корхона даромадини ошириш.

Критик чегараларни аниқлаш ва хавфли омилларни баҳолаш ҳамда аниқлашда НАССР тизими ва унинг мониторинги, асосланган назорат нуқталари номенклатурасини ўрнатиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнида мажбурий стандартлар талабларига риоя этиш учун давлат текшируви ва назорати ўтказишга қўмаклашиш.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган НАССР тизимини сертификатлаштирувчи ташкилотлар учун мувофиқлик белгиси товар юк-хатида, (ёрлиқларида, этикеткасида) кадоқларида қўйилиши мумкин.

Маҳсулотни ташиш, сақлаш ва (ёки) фойдаланишга мўлжалланган НАССР тизимини сертификатлаштирувчи ташкилотлар учун мувофиқлик белгиси расмий бланкларда ва сертификатни сақловчисининг реклама манбаларида қўйилиши мумкин.

2-Бобга хулоса

Германияга озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишга нисбатан бир қатор миллий қонунлаштирувчи ҳужжатлар бор. Германиянинг Асосий қонуни доирасида озиқ-овқат маҳсулотларини расман текшириш учун федерал ерларнинг мувофиқ органлари жавобгар бўлади. Федерал ерларда қонунлаштирувчи ҳужжатларни қўллаш тўғрисида маълумотларни олиш саволлари бўйича, муайян федерал ерда озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш органига мурожаат қилиш тавсия этилади. Маҳсулотни сертификатлаштириш модели маҳсулот тавсифи, инсон соғлиғи, атроф муҳит ва ижтимоий хавфсизлик учун потенсиал хавф-хатарлар, шунингдек маҳсулотнинг ҳаётий тсикли ва бошқа каби интегралсия қилинган кўрсаткичлар бўйича белгиланади.

GMP қоидаларида маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва фойдаланиш жараёнларида санитар-гигиеник чора-тадбирларни амалга оширишга асосий эътибор қаратилган.

GMP қоидалари шунингдек, ишлаб чиқарувчилардан ўрнатилган талабларга мувофиқ ўлчашлар усули ва воситалари, асосий ва қўшимча қурилмаларни, технологик жараёнларнинг ишчи ҳолатда эканлигини исботлашни талаб этади.

Етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланаётган корхоналар савдода ўз бизнесини таҳдидга тушиб қолиш ва хавфини минимум даражага тушириш учун, савдо тармоқларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича янги стандарт ишлаб чиқиш ғояси пайдо бўлди.

GLOBAL GAP - бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун биринчи даражали стандарт бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини экиш вақтидан то маҳсулотларни йиғиб олишгача бўлган, агар чорвачилиқда бўлса ишлаб чиқаришга киришиш вақтидан оралиқ маҳсулот ҳолатига келгунча (боқиш ва сўйиш) бўлган даврда барча ишлаб чиқариш жараёнларини камраб олган меъёрий ҳужжатдир.

Стандартнинг асосий мақсади- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнининг барча циклини кузатиш йўли билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш даврида маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар ва хавфлилик даражасини минималлаштиришдир.

Ҳозирги вақтда НАССР тизими озиқ-овқат маҳсулотларини унинг ҳаётий циклининг барча босқичларида энг яхши сифат ва хавфсизлигини таъминловчи халқаро миқёсда умум тан олинган тизимдир.

НАССР - концепцияси маҳсулотлар хавфсизлигига жиддий таъсир этувчи хавфли омилларни тизимли идентификациялаш, бошқариш ва баҳолашни назарда тутди.

Жумладан, ҳукуматимиз томонидан корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида халқаро стандартлар талабларига мувофиқ сифатни бошқариши тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича 22.07.2004 йилда №349-сонли, 29.08.2006 йилда №186-сонли ва 19.06.2009 йилда №173-сонли қарорлар қабул қилинди.

Ушбу қарорларда ISO 9001 халқаро стандарти талабига мувофиқ сифат менежменти тизимини республикамиз корхоналарида ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда уларни сертификатлаштириш кўзда тутилган.

GAP бу ўстирилаётган маҳсулот хавфсизлигини ошириш ва сифатини яхшилашга ёрдам берувчи тавсиялар жамламасидан иборатдир. Бу стандартда ихтиёрий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимларига қўллаш ва мослаштириш мумкин бўлган раҳбарий кўрсатмалар берилган.

НАССР тизими қуйидаги мақсадларга эришишга йўналтирилганлигини таъкидлаш зарур:

НАССР тизими истеъмолчилар соғлиғи ва ҳаёти учун хавфларни пайдо бўлиш хавф-хатари даражасини рухсат этилгангача камайтириш ёки тўлиқ бартараф этиш ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига ишончни ошириш.

НАССР тамойиллари асосида тайёрлаш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, тарқатиш, юклаш, ташиш, сақлаш ва фойдаланишда хавф-хатарларни бошқариш бўйича ишларни тартиблаштириш ва мувофиқлаштириш ҳисобига сифат барқарорлигини ошириш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқчилиги муддатини узатириш.

Ишлаб чиқариш меҳнати, технологик жараёнларни самарадорлиги ошириш ва яроқсиз маҳсулотларни камайтириш (такрорий қайта ишлаш ва чиқиндиларни камайтириш), корхона даромадини ошириш.

Критик чегараларни аниқлаш ва хавфли омилларни баҳолаш ҳамда аниқлашда НАССР тизими ва унинг мониторинги, асосланган назорат нуқталари номенклатурасини ўрнатиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнида мажбурий стандартлар талабларига риоя этиш учун давлат текшируви ва назорати ўтказишга қўмаклашиш.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган НАССР тизимини сертификатлаштирувчи ташкилотлар учун мувофиқлик белгиси товар юк-хатида, (ёрлиқларида, этикеткасида) кадоқларида қўйилиши мумкин.

Маҳсулотни ташиш, сақлаш ва (ёки) фойдаланишга мўлжалланган НАССР тизимини сертификатлаштирувчи ташкилотлар учун мувофиқлик белгиси расмий бланкларда ва сертификатни сақловчисининг реклама манбаларида қўйилиши мумкин.

III. БОБ. «ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ БОШҚАРУВИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси бошқарувининг ҳозирги ҳолати ва халқаро стандартлар асосида маҳсулот ишлаб чиқариш таҳлили

Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 11 январдаги 5-сонли «Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуини бошқариш структурасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Ўзбекистон» давлаткооператив бирлашмаси кенгаши ўрнига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мева-сабзавот ва узумчилик саноати давлат кооператив «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни ташкил этилади. Ва унга мустақил тармоқ мақоми берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 28 октябрда 525-сонли «Ўзбекистон Республикаси мева-сабзавот мажмуи корхона ва ташкилотларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилинди ва унга кўра «Ўзмевасабзавотузумсаноат» концерни «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ассоциациясига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 июлдаги 363-сонли қарори билан «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ассоциацияси негизида «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ҳамда унинг ҳудудий вилоят бирлашмалари ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-255 сонли қарори қабул қилинди ва унга кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХК муассисларининг мазкур компанияни «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компаниясига айлантирилди.

«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХКнинг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси деб белгиланди.

Шунингдек, «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари:

- истеъмол спирти ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ягона техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш;
- истеъмол спирти, ликер-ароқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш;
- ташқи ва ички бозорлар бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, корхоналарнинг янги турдаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришига ва ташқи бозорларга олиб чиқишига кўмаклашиш;
- тармоққа хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, чет эл инвесторлари иштирокида қўшма корхоналар ташкил қилишга ёрдам бериш деб белгиланди.

Ушбу йўналишларнинг амалга оширилиши янги бозор муносабатларини ривожлантириш доирасида тармоқни тубдан ўзгартиришга, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилишига кўмаклашади.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси юридик шахс ҳисобланиб очиқ акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилган. Компания низом жамғармаси шўба корхоналари акцияларининг давлатга тегишли пакетлари, давлат мулки ва молиявий маблағлари ҳисобидан шаклланди. Холдинг компанияси корхоналарни ушбу корхоналарнинг холдингга тегишли акция пакетларига мувофиқ бошқаради.

Ҳозир «Ўзвиносаноат-холдинг» компания таркибига 150 га яқин корхона ва ташкилотлар, улардан 73 та саноат корхоналари, «Ўзспиртсаноат» компанияси ва 4 та спирт ишлаб чиқариш заводлари, 77 таси ички бозорда вино-ароқ маҳсулот-ларини сотишга ихтисослашган «Шаробсавдо» улгуржи базалари ва базалар қошидаги 463 та фирма дўконлари, 11 та турли йўналишда фаолият юритувчи ташкилотлар киради.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компания тармоғида ишловчиларнинг умумий сони 11041 кишини ташкил этади, ундан 50 га яқини компания бошқарув аппарати ходимлари.

Виночилик корхоналарини спирт билан таъминлаш мақсадида мамлакат ҳукуматининг қарорига кўра, 1994 йил республикада спирт тармоғини барпо этиш учун асос солинди. «Ўзвиносаноат-холдинг» компания таркибий тузилишига «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси киритилган бўлиб, унинг таркибига қуйидаги спирт заводлари киради: «Андижон биокимё», «Қўқон спирт», «Янгийўл биокимё» ва «Бектемир спирт» очиқ акциядорлик жамиятлари.

Холдинг компаниясининг асосий ишлаб чиқариш потенциали: узумни қайта ишлаш – 200,0 минг тоннагача, узум виносини тайёрлаш – 5,0 млн. декалитр, газланган ва шампан виноси – 5,0 млн. шиша, ароқ ва ликёр-ароқ – 15 млн. декалитр, бренди ва коньяк – 150,0 минг декалитр, озукали спирт – 6 млн. декалитр, консерва маҳсулотлари – 24,8 млн. шартли банка, шиша идишлар – 114,0 млн. дон ва безакланган шиша идишлар – 12,0 млн. донани ташкил этади (2.1-жадвал).

3.1- жадвал

“Ўзвиносаноат-холдинг” холдингкомпаниясининг асосий ишлаб чиқариш потенциали